ҚАРШИ ЧЎЛИНИ ЎЗЛАШТИРИШ — УМУМХАЛҚ ИШИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 21 июль 1970 йил, сешанба ◆ № 169 (14.635). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РЕСПУБЛИКАДА ПАХТАЧИЛИКНИНГ ЯНГИ КАТТА РАЙОНИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ ТУҒРИСИДА ҚИЛАЕТГАН ҒАМХУРЛИКЛАРИ УЧУН КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ВА СОВЕТ ҲУКУМАТИГА ЧУҚУР ТАШАККУР ИЗҲОР ЭТДИЛАР.

ҚАРШИ ДАШТИДАГИ ҚУРИЛИШ УМУМХАЛҚ ЗАРБДОР ҚУРИЛИШИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РЕСПУБЛИКАНИНГ ПАРТИЯ, СОВЕТ, ХЎЖАЛИК, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИ ҚАРШИ ДАШТИНИ ЎЗЛАШТИРИШДА ЭНГ АКТИВ ҚАТНАШАДИЛАР, ДЕБ ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛДИРДИЛАР.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ҚАРШИ ЧЎЛИДАГИ ЕРЛАРНИ СУҒОРИШ ВА ЎЗЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Қарши чўлида ингичка толали пахта етиштиришнинг йирик базасини вужудга келтириш юзасидан ишларни жадаллаштириш максадида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарор қабул қилдилар.

СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1980 йилга қадар Қарши даштида 300 минг гектар, шу жумладан 1971—1975 йилларда 85 минг гектар ерни суғориш ва шу ерларда 1974—1975 йилларда 100 минг тонна пахта етиштириб, 1980 йилга борганда пахта етиштиришни 400 минг тоннага етказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига 1976 йилдан ишларни бошлаб юбориш мақсадида Қарши чўлининг иккинчи навбатини суғориш юзасидан лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни таъминлаш топширилди.

СССР Госплани ҳамда СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг 1971—1975 йилларда Қарши чўлининг биринчи навбатини суғориш ва ўзлаштириш учун 630 миллион сўм, шу жумладан, қурилиш-монтаж ишлари учун 475 миллион сўм капитал маблағ ажратиш ҳақидаги таклифи қабул қилинди.

Қарши чўлини суғориш ва ўзлаштириш иши билан банд бўлган кишилар учун саҳро ва сувсиз районларда ишлаганлиги эвазига уларнинг иш ҳақига нисбатан 1,4 нисбат билан ҳақ тўлаш коэффициенти белгиланди. СССР Министрлар Совети меҳнат ва иш ҳақи Давлат комитетига ва ВЦСПСга ана шу кўрсатилган коэффициентни қўлланиш тартибларини ўрнатиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари зиммасига Қарши чўлини суғориш ва ўзлаштириш иши билан банд бўлган «Главсредазирсовхозстрой»нинг ташкилотлари ва корхоналари ходимларига улар доимий ишлаб турган жойда (уй-жойларнинг қайси ташкилотга қарашидан катъи назар) уй-жойларни брон қилиб бериш мажбуриятини юкладилар. Бу уй-жойлар уларга қурилишдаги бутун иши давомида бериб қўйилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ҳамда СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига Қарши чўлини суғориш ва ўзлаштириш ишларининг тез суръатлар билан олиб борилишини ҳамда қурувчилар, совхозларнинг ишчиларига зарур маданий-маиший шароитлар яратиб берилишини таъминлаш топширилди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ҚАРШИ ЧЎЛИДАГИ ЕРЛАРНИ СУҒОРИШ ВА ЎЗЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шуни қайд қиладиларки, КПСС XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларига мувофиқ Қарши чўлида биринчи галда 200 минг гектар майдонда ингичка толали пахта навлари етиштириладиган янги йирик база вужудга келтириш ва кейинроқ бориб бу чўлдаги суғориладиган ерларни кўлайтириб, 900 минг гектарга етказиш ишлари авж олдириб юборилди.

Қарши чўли ўзлаштирилиши натижасида ўзбек халқининг шу ерларни Амударё суви билан суғориш тўғрисидаги асрий орзуси рўёбга чиқарилади. Қарши чўлида ўтказилаётган ишлар қўшимча етиштириладиган юқори сифатли пахтани йилига 1 миллион 300 минг тоннага етказишни таъминлаши лозим, бу эса илгаридан пахтачилик билан шуғулланиб келинган районларда пахта-беда алмашлаб экиш ишларини амалга оширишга ва мамлакатда пахтачиликни ёппасига юксалтиришга ёрдам беради.

Партия ва ҳукуматнинг жуда катта ёрдами билан Қарши даштида шу дамгача 200 миллион сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирилди, катта ишлаб чиқариш-қурилиш базаси вужудга келтирилмоқда, юз километрлаб автомобиль йўллари, электр линиялари, магистрал водопроводлар қурилди, 180 минг квадрат метр уй-жой майдони фойдаланишга топширилди, нодир насос станциялари бўлган магистрал каналлар ва коллекторлар қуриш авж олдириб юборилди.

Бироқ Қарши даштини суғориш ва ўзлаштириш борасида бошланган ишларнинг суръати етарли эмас ва мамлакатда пахта етиштиришни кескин кўпайтириш борасидаги бош вазифанинг бажарилишини таъминламаётир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1970 йил 25 июнда «Ўзбекистон ССРнинг Қарши чўлидаги ерларни суғориш ва ўзлаштириш ишларини жадаллаштириш тўғрисида» қабул қилган қарори партия ва ҳукумат пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида қилаётган катта ғамхўрликнинг янги ифодасидир.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бу қарорни оғишмай ижро этиш учун қўлланма тариқасида қабул қилдилар.

«Главсредазирсовхозстрой»га, «Каршистрой» бошқармасига, Қашқадарё область партия комитетига ва область ижроия комитетига Қарши даштидаги қурилиш ишларини жадаллаштириш топширилди. 1973 йилнинг охиригача магистрал каналга сув қуйилиши таъминлансин; 1973 йилда 20 минг гектар, 1974 йилда 30 минг гектар, 1975 йилда 35 минг гектар майдондаги совхозларда ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший объектлар қуриш билан бирга ерларни суғориб ва мелиорация қилиб, тайёрлаб қўйиш ишлари бажарилсин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Қашқадарё область комитетига ва область ижроия комитетига, республика Қишлоқ хўжалик министрлигига ва «Главсредазирсовхозстрой»га шу ерларни совхозлар ва колхозлар бўйича комплекс тарзда тайёрлаш ва бу ишларни қай йилларда бажариш топширикларини бир ой муддат ичида белгилаб бериш топширилди.

Ерларни суғориш ва ўзлаштириш ишлари юксак меҳнат унумдорлигини таъминлайдиган қилиб қурилиш ишларини кенг механизациялаш ва индустриялаштириш йўли билан юксак техникавий даражада амалга оширилсин. Ерларни ўзлаштириш янги суғориш ва дренаж техникаси негизида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш ва юксак даражада самарали агротехника негизида олиб борилсин.

«Главсредазирсовхозстрой»га, бош лойиҳаловчи ташкилот бўлган «Средазгипроводхлопок» институтига, шунингдек «Ўзгипрозем», «Саосельэлектропроект», «Ўзгипроавтодор», «Ўзгипрокоммунинжпроект», «САОЭнергосетьпроект», «НИИСпромпроект», «Ўзгипросельстрой», «ЎзГИИИТИ» институтларига, ГСПИСвязнинг Тошкент бўлимига лойиҳа смета ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш вазифаси топширилди.

Қарши даштининг суғориладиган зонасида қилинмоқчи бўлган лойиҳалаш ва қурилиш ишларини қайси идора бажаришдан қатъи назар, бу ишларнинг ҳаммаси «Главсредазирсовхозстрой» билан келишиб олиниши лозим.

Мавжуд хўжаликларнинг ердан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда Қарши даштининг биринчи навбат қисмидаги ерларни суғориш ва ўзлаштиришнинг тасдиқланган лойиҳа топшириғига мувофиқ янги совхозлар ташкил этиш ва ишлаб турган хўжаликларда ердан фойдаланишни тартибга келтириш борасида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Қашқадарё область комитети, область ижроия комитети ва «Главсредазирсовхозстрой» ишлаб чиққан тадбирлар маъқулланди.

Қашқадарё область партия комитетига, область ижроия комитетига ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига Қарши ва Косон районларидаги хўжаликларда ердан фойдаланишни тартибга солиш зарурлиги тўғрисида шу районларнинг колхоз ва совхозларида тушунтириш ишлари олиб бориш, шу хўжаликларнинг чегаралаои ўзгартирилганлигини белгиланган тартибда расмийлаштириб бериш ҳамда ер тузиш соҳасидаги биринчи галдаги ишларни 1970 йилда бажариш, 1971 йилда эса қолган ишларни ва шу ишлар билан алоқадор бўлган бошқа ташкилий ишларни бажариш топширилди.

(Давоми иккинчи бетда).

Қарши чўлини суғориш схемаси

СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1980 йилга қадар Қарши даштида 300 минг гектар, шу жумладан 1971–1975 йилларда 85 минг гектар ерни суғориш ва шу ерларда 1974–1975 йилларда 100 минг тонна пахта етиштириб, 1980 йилга борганда пахта етиштиришни 400 минг тоннага етказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛАМИЗ

Пахтанор райони меҳнаткашларининг республикадаги колхозчиларга ва совхоз ишчиларига, механизаторларга ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларига, барча пахтакорларга қарата қабул қилган мурожаати ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу мурожаат ҳақидаги қарорини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик, унда белгиланган тадбирларни тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Пахтанорликлар 1970 йил ҳосилини асосан «зангори кема»ларда териб олишга аҳд қилганликларини мурожаатдан ўқиб билдик. Бригадамиз бўйича 66 гектар майдонда «он олтин»дан мўл ҳосил етиштирмоқдамиз. Ғўзаларни ёшлигиданоқ машина теримига мослаб парвариш қилмоқдамиз. Ҳозир ҳар туп ғўзада 3-4 та бўлин кўсак бор.

Мен бу йил камида 170 тонна пахта териб беришга аҳд қилдим. Ҳозир универсал трактори билан ғўза парваришини кучайтирилмоқда. Терим машинасини эса ремонтдан чиқариб мавсумга шайлаб қўйганимга анча бўлди. Юбилей йилида механизаторлик номини шарафлаш учун зиммамга олган ҳамма мажбуриятларимни шараф билан бажараман, ҳамкасб дўстларимни пахтанорликлар ташаббусига қўшилишга чақираман.

Е. МАНАСОВ,

Хўжаобод районидаги Абдулла Набиев номли колхоз механизатори.

БУНЁДКОРЛАР АЗМИ

Қурама тоғлари этагида йирик рух заводи қад ростлаяпти. Умумхалқ қурилиши деб эълон қилинган бу ерда юз-юзлаб бинокорлар, монтажчилар, механизаторлар шижоат кўрсатиб меҳнат қилишяпти. «Олмалик рух заводининг биринчи навбатини август ойидан кечиктирмасдан ишга туширамиз», КПСС XXIV съездини чақириш ҳақидаги хушхабарни эшитиб янги меҳнат зафарларига отланган рух заводи бунёдкорлари ана шундай қарорга келишди.

Рух корхонасини бутун мамлакат қуряпти. Заводда мураккаб қурилмали кудратли технологик ускуналар, агрегатлар ишлайди.

Бош пудратчи «Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли 2, 3, 4, 5-қурилиш бошқармалари, Олмалик ва Чирчиқ «Промтехмонтаж», «Ташобтранспецстрой», «Стальмонтаж», «Энергомонтаж», «Тепломонтаж», «Монтажхимзашита», «Казмонтажавтоматика» бошқармаларининг бинокорлари белгиланган муддатда қурилиш топшириқларини уддалашлари керак.

Олмалик рух заводини белгиланган муддатда қуриб фойдаланишга топшириш партиямизнинг бўлажак съезди шарафига муносиб армуғондир.

ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

20 июлда Кремлда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида СССР билан Финляндия Республикаси ўртасида 1948 йилнинг 6 апрелида тузилган Шартноманинг амал қилиш муддатини кейинги 20 йилга узайтириш тўғрисида протокол имзоланди.

Протоколни СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Финляндия ташқи ишлар министри В. Лескинен имзоладилар.

Протоколни имзолаш вақтида Совет томонидан Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, Д. Ф. Устинов, Б. Н. Пономарев ўртоқлар ва бошқалар иштирок этишди.

Финляндия томонидан Финляндия Республикасининг Президенти Урхо Калева Кекконен, социал таъминот министри А. Л. Тиесно, молия министри К. О. Таллгрен ва бошқа расмий кишилар иштирок этишди. (ТАСС).

ТАСС АХБОРОТИ

1970 йил 25 июлдан 25 августгача бўлган давр ичида Совет Иттифоқида Тинч океан радиусининг айланаси 40 денгиз милясидан чекланган акваториясидаги районига учирувчи ракеталар отилади. Бу район марказининг координаталари: 33 градус 00 минут шимолий кенгликдан, 173 градус 37 минут шарқий узунликдан иборат.

ТАСС ўзига берилган ваколатга биноан маълум қиладики, хавфсизликни таъминлаш учун Совет Иттифоқи ҳукумати Тинч океандаги денгиз ва ҳаво йўлларидан фойдаланувчи бошқа мамлакатларнинг ҳукуматларидан мазкур кўрсатилган давр ичида ҳар кун куннинг иккинчи ярмида маҳаллий вақт билан соат 12 дан 24 га қадар Тинч океан акваториясининг шу районига ва осмонига кемалар ва самолётларнинг кирмаслиги тўғрисида тегишли органларга кўрсатма беришни илтимос қилади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ҚАРШИ ЧЎЛИДАГИ ЕРЛАРНИ СУҒОРИШ ВА ЎЗЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ҲАҚИДА

[Бошқ биринчи бетда].

Янги қурилган совхозлар республика қишлоқ хўжалик министрлигига топширилгунча шу совхозларнинг ерларини қишлоқ хўжалик ишлари учун ўзлаштиришни ва шу совхозларни вақтинча ишлатишни «Главсредазирсовхозстрой» бажариб туради деб белгилаб қўйилди.

«Главсредазирсовхозстрой»га Қарши қурилиш материаллари комбинатининг 1971-1973 йилларда йилига 240 минг куб метр, шу жумладан 1971 йилда 85 минг куб метр, 1972 йилда 121 минг куб метр ва 1973 йилда 34 минг куб метр темир бетон буюмлар ишлаб чиқарадиган заводи биринчи навбатини қуриб, ишга туширишни таъминлаш вазифаси топширилди.

Республика Госпланига, Ўзбекистон ССР Госснабига, Қурилиш министрлигига ва Қурилиш материаллари саноати министрлигига «Қарши строй» фондлари бўйича қурилиш материалларини биринчи навбатда етказиб беришни таъминлаш таклиф қилинди.

Қарши даштидаги ва республиканинг бошқа районларидаги ерларни мелиорация қилиш учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган сопол қувурлар заводини қуриш ишлари қоникарсиз бораётганлиги қайд қилинди. Қурилиш министрлигига ва Узглавводстройга Қаршидаги сопол қувурлар заводининг биринчи навбатини 1971 йилда ва иккинчи навбатини 1972 йилда ишга туширишни, Госпланга эса — шу ишларга керакли капитал маблағ ажратишни кўзда тутиш таклиф қилинди.

«Главсредазирсовхозстрой»га магистрал канал ва қурилиш материаллари комбинати учун, шунингдек, Қишлоқ хўжалик министрлиги билан келишиб, қурилаётган янги совхозлар учун ишга туширилиадиган технология комплексининг белгиланган тартибда бир ой ичида тасдиклаб бериш топширилди.

Автомобиль йўлларини қуриш ва ишлатиш министрлигига ҳамда Қашқадарё область ижроия комитетига Бешкент — Жанов, Қамаши — Муғлон — Косон, Бешкент — Новкат — Муғлон, Новкат — Косон автомобиль йўлларини 1970-1971 йилларда тегишли техникавий ҳолатга келтириш топшириғи берилди.

«Самарқандтрасстрой» трестига:

— 1970 йилнинг иккинчи ярмида Танхоз станциясидаги темир йўлни ва шағал саралаш заводига олиб борадиган темир йўл шахобчасини қуриб битказиб, фойдаланишга топириш;

— 152-рақамли разъездда темир йўлларни ривожлантиришга киришиб 1971 йилнинг III кварталида фойдаланишга топириш;

— Қарши шаҳридаги қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари комбинати заводлари ичидаги темир йўлларни қуриб битказиб 1971 йилда ишга туширишни;

— Нишон станциясидаги темир йўл тармоқларини ва Нишон саноат базасига олиб борадиган темир йўл шахобчаларини ривожлантиришни 1971 йилда битказиш вазифаси топширилди.

Ўрта Осиё темир йўл бошқармасига Қарши даштидаги қишлоқ қурилиши ва қилинаётган ишларнинг темир йўл бажарадиган ишларга бўлган эҳтиёжини тўла равишда қондириш мақсадида Қарши — Китоб темир йўлининг юк ташиш қувватини кўпайтириш чораларини 1970-1972 йилларда амалга ошириш таклиф қилинди.

7-сонли Мостотрестга Қарши магистрал каналида темир йўл ва автомобиль йўли кўприкларини белгиланган муддатларда қуриб беришни таъминлаш таклиф қилинди.

«Союзузбекгазпром» трестига «Қаршистрой» учун 1971-1975 йилларда бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми 3 миллион сўмлик қилиб белгиланди.

«Главсредазирсовхозстрой»га, Коммунал хўжалик министрлигига, Тошкент магистрал газ қувурлари бошқармасига Қарши даштида қурилаётган совхозларни, район марказларини ва мавжуд посёлкаларни газлаштириш планини бир ой муддат ичида Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди.

«Қаршистрой» қурилиш ташкилотларини ва совхозларини ишчи кучи ва инженер-техник ходимлар билан бутлаш мақсадида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ:

— Қашқадарё область партия комитети ва область ижроия комитети 1970-1972 йилларда «Қаршистрой»га 5 минг кишини юбориши керак;

— Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Профессионал техника таълими давлат комитети ва «Қаршистрой» қурилишга юборилаётган кишиларга ишлаб чиқариш касбларини ўргатишлари зарур;

— «Главсредазирсовхозстрой» 1971-1973 йилларда Қарши даштида учта янги комплекс профессионал техника билим юртлари қуриши лозим;

— Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд область партия комитетлари ва Тошкент шаҳар партия комитети 10 тадан тажрибали инженер-техник ходимни 1970 йилда «Қаршистрой»даги раҳбарлик ишларига юборишлари лозим;

— «Главсредазирсовхозстрой» 1971 — 1973 йилларда «Қаршистрой»га олий ўқув юртларини тамомлаган 500 мутахассисни юбориши лозим;

— «Қаршистрой» бошқармаси 1970 — 1972 йилларда Қарши политехника техникумида ва Шаҳрисабздаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумида 1500 мутахассис тайёрлаши лозим.

— Олий ва махсус ўрта таълим министрлиги шу ўқув юртларида ишлаш учун малакали ўқитувчилар юбориши лозим;

— «Главсредазирсовхозстрой» «Қаршистрой»нинг ўқув комбинатини кенгайтириши лозим. Токи, бу комбинат ҳар йили камида 2 минг механизатор, бинокор, монтажчи ва бошқа малакали ишчилар тайёрлаб берадиган бўлсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш давлат комитети, Қашқадарё область партия комитети ва область ижроия комитети Қарши даштини ўзлаштириш учун областнинг ўз доирасида оилаларни кўчиришни таъминлашлари керак.

Областнинг кам ер ва тоғлиқ районларидан бутун-бутун қишлоқларни Қарши даштининг ўзлаштирилаётган ерларига кўчириб жойлаштириш тўғрисида Қашқадарё область колхозлари, совхозлари, область партия комитети ва область ижроия комитети қилган таклиф маъқулланди. «Главсредазирсовхозстрой»га янги ерларга кўчириш бошлангунча томорқа участкалар билан шинам уй-жойларни тайёрлаб қўйиш топширилди, Ўзбекистон ССР Госпланига эса 1971—1972 ўқув йилида республиканинг барча олий ўқув юртларига Қашқадарё областидан қабул қиладиган ёшларни кўпайтиришни кўзда тутиш топширилди.

Қарши даштининг иқлими иссиқ эканлигини ҳисобга олиб Ўзбекистон ССР Госстройига Қарши даштидаги совхозларнинг посёлкаларини қуриш учун шу зонанинг шароитини ва аҳолига энг яхши қулайликлар яратиб беришни ҳисобга олувчи уй-жой биноларининг типовой лойиҳаларини 1971 — 1972 йилларда «Главсредазирсовхозстрой» билан биргаликда ишлаб чиқиш топширилди. «Средазгипроводхлопок», «Узгоспроект» ва «Узгипросельстрой» Қарши даштидаги совхоз посёлкаларининг лойиҳаларида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш нормаларини энг кўп қилиб беришлари лозим.

Қарши даштини суғориш ва ўзлаштириш соҳасида ишлаб турган ходимлар ва уларнинг оилалари дам олиши учун шарт-шароит яратиб бериш мақсадида «Главсредазирсовхозстрой»га:

— Мироқи посёлкасидаги дам олиш уйини 1971 йилнинг биринчи ярмида ва пионерлар лагерини 1972 йилнинг биринчи кварталида қуриб битказиш;

— 1971 — 1972 йилларда табиий-иқлим шароити қулай бўлган районда дам олиш зонаси вужудга келтириш топширилди.

Қарши даштида ерларнинг катта-катта массивлари ўзлаштирилаётганлиги ва шу ерларда янги маъмурий районлар ташкил этиш зарурлиги сабабли 1971 — 1972 йилларда учта янги район марказини қуришга ва район марказ Бешкентни реконструкция қилишга киришиш мўлжаллаб қўйилди.

Узгоспроект ва ихтисослаштирилган лойиҳалаш ташкилотлари 1971 — 1972 йилларда мазкур район марказлари учун комплекс техникавий лойиҳаларни тузиб беришлари лозим, Госплан ва Қашқадарё область ижроия комитети эса мазкур район марказларини қуриш учун 1971—1975 йилларда капитал маблағ ва материал-техника ресурслари ажратиб беришни кўзда тутишлари лозим.

Қарши даштда биринчи навбатда суғориладиган ва ўзлаштириладиган ерлар зонасидаги мавжуд колхоз посёлкаларини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш учун «Узгипросельстрой»га 1971—1973 йилларда шу посёлкаларни ободонлаштиришнинг комплекс лойиҳаларини тузиб бериш тўғрисида топшириқ берилди. Мана шу ободонлаштириш ишларини бажариш «Узколхозстрой» зиммасига юкланди.

Қарши дашти ерларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кескин равишда кўпайиб бораётганлиги сабабли Госпланга республика министрликлари ва идоралари билан биргаликда, шунингдек Қашқадарё область партия комитетига ва область ижроия комитетига Қашқадарё областида соғлиқни сақлаш, маориф, маҳаллий саноат, маиший хизмат кўрсатиш, коммунал хўжалик ва шу кабиларнинг корхона ва муассасаларини ривожлантириш ва қуришни 1971 — 1975 йиллар планида кўзда тутиш топширилди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қарши, Косон, Ғузор ва Қашқадарё областининг бошқа районларидаги суғорилаётган ерларнинг мелиоратив ҳолати жуда ёмонлашиб кетганлигини қайд қилдилар ва шу районлардаги мавжуд зовурларни тозалаш ва реконструкция қилиш, шунингдек янги коллекторлар ва зовурлар қуриш ишларини тезлик билан ўтказиш зарурлигини таъкидладилар, «Главсредазирсовхозстрой»га Қарши ва Косон районларида Қашқадарёнинг чап соҳилидаги суғориладиган ерларнинг мелиорация жиҳатидан энг ноқулай бўлган зонасида янги коллекторлар қуриш ва мавжуд коллекторларни реконструкция қилиш борасида лойиҳада кўзда тутилган ишларнинг ҳаммасини 1970—1972 йилларда биринчи навбатда бажариш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, Қашқадарё областининг Косон, шунингдек Ғузор ва бошқа районларида Қашқадарёнинг ўнг соҳилидаги суғориладиган ерларни 1970—1972 йилларда мелиорация жиҳатидан яхшилаш ишларини бажариш; 1970 йилда Қашқадарё областида мелиорация хизматини ташкил этиш вазифаси топширилди.

Қашқадарё областида саноат ва граждан қурилиши катта ҳажмда олиб борилаётганлиги сабабли Госпланга, «Главсредазирсовхозстрой»га, Қурилиш министрлигига, Қишлоқ қурилиши министрлигига, Қурилиш материаллари саноати министрлигига ва Қашқадарё область ижроия комитетига Қашқадарё областида қурилиш базаларини ривожлантиришга доир таклифларни бир ой муддат ичида тайёрлаш топширилди.

«Главсредазирсовхозстрой» САНИИРИга ва СоюзНИХИга Қарши даштидаги ерларни суғориш ва ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган илмий тадқиқот ишларини кенг авж олдириш топширилди.

Қашқадарё области Амударё суви билан суғорила бошланиши натижасида ички сув ресурсларининг бир қисми бўшаб қолишини ҳисобга олиб Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қишлоқ хўжалик министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министолиги, Қашқадарё область партия комитети ва область ижроия комитети зиммасига ўрта Қашқадарё ерларини суғориш ва ўзлаштиришга доир лойиҳалар ва қурилиш ишларини жадаллаштириш вазифасини юкладилар.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетига ёшларни Қашқадарё даштидаги ерларни суғориш ва ўзлаштириш ишларига тортиш, қурувчилар ва чўлқуварлар орасида ташкилотчилик ва маданий-оммавий ишларни ўтказишда комсомол ташкилотларига доимий ёрдам бериб туриш таклиф қилинди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги, Савдо министрлиги, Алоқа министрлиги, Маданият министрлиги, Маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, Ўзбекистон касаба союзлари республика совети зиммасига Қарши даштидаги қурувчиларга ва чўлқуварларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш учун зарур чораларни кўриш вазифасини юкладилар.

Қарши даштини суғориш ва ўзлаштириш ишлари катта халқ хўжалик аҳамиятига ва сиёсий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Кинематография давлат комитетига шу ишларни ва шу ишларда қатнашувчиларни акс эттирувчи фильм яратиш вазифаси топширилди.

Республика газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшитириш ва телевидение давлат комитетига Қарши даштини суғориш ва ўзлаштиришнинг халқ хўжалиги учун бўлган аҳамиятини, шунингдек энг муҳим объектларни қуриш қандай бораётганлигини газеталарнинг саҳифаларида, радио ва телевидение орқали кенг ёритиб туриш таклиф қилинди.

Қашқадарё область партия комитетига, Қарши шаҳар партия комитетига ҳамда Қашқадарё областининг район партия комитетларига областдаги барча партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг диққат ва эътиборини қурувчиларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга қаратиш, қурилиш масалаларини, қурувчиларнинг ва чўлқуварларнинг меҳнати ва турмушини чуқур ўрганиб, «Қаршистрой» партия комитетининг ва бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва оммавий сиёсий ишлари даражасини ошириш чораларини кўриш; Қашқадарё области территориясида жойлашган саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ва бошқа корхоналар ҳамда ташкилотларнинг коллективларини ишга кенг тортиш вазифаси топширилди.

* * *

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада пахтачиликнинг янги катта районини вужудга келтириш тўғрисида қилаётган ғамхўрликлари учун КПСС Марказий Комитетига ва Совет ҳақуматига чуқур ташаккур изҳор этдилар.

Қарши даштидаги қурилиш умумхалқ зарбдор қурилиши деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республиканинг партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, барча меҳнаткашлари Қарши даштини ўзлаштиришда энг актив қатнашадилар деб қатъий ишонч билдирдилар.

ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО ЁРДАМ ТЎҒРИСИДА СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ БИЛАН ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА 1948 ЙИЛНИНГ 6 АПРЕЛИДА ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

ПРОТОКОЛ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг Президиуми ва Финляндия Республикасининг Президенти ҳар иккала мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч муносабатларини бундан буён ҳам ривожлантириб бориш ва мустаҳкамлаш самимий истаклари билан руҳланганлари ҳолда, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Финляндия Республикаси ўртасида 1948 йилнинг 6 апрелида тузилган Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ушбу протоколни имзолашга қарор қилдилар ва шу мақсадда қуйидагиларни ўз вакиллари қилиб тайинладилар:

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг Президиуми — СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикони,

Финляндия Республикасининг президенти — Финляндия ташқи ишлар министри Вяйне Лескиненни.

Ташқи ишлар министрлари тегишли формада ва тўла тартибда деб топилган ўз ваколатларини бир-бирлари билан алмашлаб бўлганларидан сўнг қуйидагилар тўғрисида келишдилар:

1-модда

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Финляндия Республикаси ўртасида 1948 йилнинг 6 апрелида тузилган Шартнома ушбу протокол кучга кирган пайтдан бошлаб келаси 20 йил мобайнида ўз кучида қолади.

Аҳдлашувчи олий томонлардан бири Шартноманинг кўрсатилган муддати битишидан бир йил аввал ундан воз кечмаса, Шартнома келгуси беш йил мобайнида ҳам ўз кучида қолади, аҳдлашувчи олий томонлардан бири ўша беш йиллик тугашидан бир йил аввал Шартнома кучини тўхтатиш ниятида эканлиги тўғрисида ёзма огоҳлантириш бермаса, Шартнома ҳар сафар шу тахлитда кучида қолаверади.

2-модда

Ушбу протокол ратификация қилиниши керак ва ратификация ёрлиқлари алмаштириладиган кундан бошлаб кучга киради. Ратификациялар иложи борича қисқа муддат ичида Хельсинки шаҳрида алмашинилади.

Вакиллар шуни тасдиқлаб, ушбу протоколни имзоладилар ва унга ўз муҳрларини босдилар.

Протокол 1970 йилнинг 20 июлида Москва шаҳрида ҳар бири рус ва фин тилларида икки нусхада қилиб тузилди ва ҳар иккала текстнинг кучи бирдайдир.

СССР Олий Совети Президиумининг ваколатига биноан
А. ГРОМИКО.

Финляндия Республикаси Президентининг ваколатига биноан
В. ЛЕСКИНЕН.

БАЙРАМ МУБОРАК, ҚАРДОШ ЛИТВА, ЛАТВИЯ!



Болтиқбўйи республикаларидан Латвия ССРнинг пойтахти Рига йил сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бу ердаги қадимий обидалар қаторидан янги замонавий бинолар ўрин олмоқда. Суратда: Латвия Фанлар академияси жойлашган кўп қаватли бино ўз аксини топган.

И. Глауберзон фотоси.

ЛИТВА БУЮК САНАНИ НИШОНЛАМОҚДА

ВИЛЬНЮС, 18 июль. (ТАСС). Совет Литвасининг шаҳар ва қишлоқларига ёрқин, тантанали, тўлқинлантирувчи байрам келди. Республика меҳнаткашлари ўзларининг бу жонажон ўлкаларида Совет ҳокимияти қайта тикланган кунининг 30 йиллигини нишонламоқдалар.

Литва Коммунистик партияси Марказий Комитети билан республика Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси Литва халқи ҳаётидаги мана шу буюк санага бағишланди. Бу тантанали мажлис бутун филармония залида ўтказилди. Шу залда 1918 йилнинг унутилмас декабрь кунида Литвада Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги эълон қилинган эди.

Тантанали мажлис президиумида — Литва Коммунистик партияси ва ҳукуматининг раҳбарлари, революцион жангларнинг ветеранлари, республиканинг илғор меҳнатчилари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армиясининг вакиллари, қўшни қардош республикалар делегацияларининг раҳбарлари ўтиришибди.

Тантанали мажлисни Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Ю. Шумаускас очди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси мажлис қатнашчилари ва меҳмонларнинг гулдурос қарсаклари остида фахрий президиумга сайланди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Литва Коммунистик партияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номига юборган табрикномасини мажлис аҳли зўр хурсандчилик билан кутиб олди. Табрикномани Литва ССР Министрлар Советининг Раиси И. А. Манюшис ўқиб берди.

Сўнгра Литва Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ю. Снечкус сўзга чиқди.

— Бундан 30 йил муқаддам, — деди у, Литва меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида, Совет Иттифоқи қардош халқларининг ёрдами билан ўз тарихларида ҳал қилувчи қадам қўйдилар,— манфур фашистлар режимини агдариб ташлаб, ҳокимиятни абадий ўз қўлларига олдилар. Қайта тиклانган Совет Литваси ўз халкининг иродаси билан Совет Иттифоқи халқлари қудратли оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолди.

Литва халқи партия кўрсатиб берган йўлдан бориб, иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш йўлида тарихан қисқа муддат ичида мисли кўрилмаган чўққиларга кўтарилди.

Сўнгра Литвадаги революцион ҳаракат ветерани Ю. Стимбурис, «Оргтехстрой» трестининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Я. Дубовский, Капсукас районидаги Черняховский номли колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Адомавичюс, Литва ССР халқ рассоми, СССР Олий Советининг депутати ҳайкалтарош Н. Питрулис, Каунас радио заводининг ишчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. Пушинскайте сўзга чиқдилар.

Белоруссия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Сурганов, Латвия ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Гайлис, Эстония ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. Неллис, КПСС Калининград область комитетининг секретари Д. Никитин, Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-майор И. Кибаль Литва меҳнаткашларини байрам билан самимий қутладилар, уларга коммунистик қурилишда янги ғалабалар тиладилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номига ёзилган табрикномани гоят баланд руҳ билан қабул қилдилар.

Залда партия гимни «Интернационал» янгради.

ЛАТИШЛАР ДИЁРИДА ТАНТАНА

РИГА, 20 июль. (ТАСС). 1940 йилнинг июль воқеалари латиш халқи тақдирида тубли бурилиш бўлиб қолди. Ўша вақтда Латвия халқи буржуа диктатурасига қарши олиб борган ўзининг йигирма йиллик курашини манфур режимни агдариб ташлаб, Совет ҳокимиятини қайта тиклаш билан якунлади.

Мана энди республика меҳнаткашлари Совет ҳокимияти қайта тиклانганлигининг 30 йиллигини нишонламоқдалар. Латвия Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Латвия ССР Олий Советининг кеча академик опера-балет театрида ўтказилган тантанали мажлиси мана шу тарихий воқеага бағишланган.

Президиумда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси Г. И. Воронов, Латвия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс, Латвия ССР Олий Совети Президиумининг раиси В. П. Рубен, Республика Министрлар Советининг раиси Ю. Я. Рубэн, партия ва давлат арбоблари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг донгдор меҳнатчилари, жамоат арбоблари, фан ва маданият арбоблари ўтиришибди. Белоруссия ССР, Литва ССР ва Эстония ССР, Калининград ва Псков областларидан меҳмон бўлиб келган делегацияларнинг аъзолари ҳам президиумда ўтиришибди.

Мажлисни Ю. Я. Рубэн очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини мажлис аҳли гоят баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Латвия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Латвия Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиуми, Латвия ССР Министрлар Советига йўллаган табрикномасини Г. И Воронов гулдурос қарсаклар остида ўқиб берди.

А. Э. Восс доклад қилди. Бугун биз ўзимизнинг миллий байрамимизни нишонлар эканмиз, деди докладчи, ўтган ўтиз йилнинг якунларини Латвия Коммунистик партияси, бутун латиш халқининг Ленин ғояларини амалга оширганлиги тўғрисидаги ҳисоботи деб кўздан кечирмоқдамиз. Латишлар диёрида ўттиз йил ичида қилинган ишларнинг ҳаммаси Ленининг социализм ва коммунизм қуриш тўғрисидаги таълимотининг сўнмас ёғдуси билан нурланиб турибди.

Тарихан қисқа муддат ичида, деди А. Э. Восс, Совет Латвиясида Ленининг социалистик индустриалштириш, қишлоқ хўжалигини кооперативлаштириш, маданий революция тўғрисидаги ғоялари амалга оширилди. Жуда кўп социал проблемалар янги, социалистик негизда ҳал қилинди. Капиталистик мамлакатларда бундай проблемаларни ҳал қилиш учун уриниб бош қотирилаётган бўлса ҳам, аммо шу мамлакатларнинг биронтасида бу проблемалар меҳнаткашлар фойдасига ҳал қилиниши мумкин эмас. Ҳозирги кунда Латвия ССР—замонавий ва юксак даражада ривожланган социалистик саноатга, юксак даражада механизациялаштган, интенсивлашган социалистик қишлоқ хўжалигига, илғор фан ва маданиятга эга бўлган, гуллаб-яшнаётган совет республикасидир.

Республиканинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат ҳаётида, деди докладчи, ҳозирги вақтда янги катта юксалиш даври бошланди. Бутун партия билан, бутун совет халқи билан бирга Латвия меҳнаткашлари КПССнинг навбатдаги XXIV съездини муносиб кутиб олишга ҳозирланмоқдалар. Партия съездига тайёргарлик умумхалқ ватанпарварлик ғайрати ёппасига авж олган, омманинг ишлаб чиқариш ва сиёсий активлиги ўсиб бораётган вазиятда ўтмоқда.

Халқимиз ҳаётини, деди А. Э. Восс, Ленин ғояларининг нури ёритиб турибди. Халқимизнинг ҳаёти ижодий меҳнат, бунёдкорлик, революцион оптимизм руҳи билан суғорилган.

Тантанали мажлисда қардош Иттифоқдош республикаларнинг ва қўшни РСФСР областларининг вакиллари, пионерлар ва Совет Армиясининг жангчилари сўзга чиқиб табрикладилар.

КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номига ёзилган табрикнома гоят баланд руҳ билан қабул қилинди.

Литва ССРнинг Алитусск районидаги «Симнас» совхози чорвадорлари бу йил гўшт маҳсулоти етказиб беришда юқори натижага эришдилар. Улар ҳозиргача давлатга 1130 центнердан зиёд чўчқа гўшти сотишди. Суратда: она чўчқа ва унинг болалари учун қурилган ёзги қўра.

ТАСС фотоси.

УЧ ЙИЛЛИК ЕМ-ХАШАК

ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС

«Рассвет» совхози — Самарқанд областидаги Булунғур районининг энг йирик чорвачилик хўжаликларидан. Хўжаликда чўчқачилик билан қорамолчилик йилдан-йилга ривожланиб, маҳсулот олиш ва давлатга сотиш кўпайиб бормоқда.

Беш йилликнинг сўнгги босқичида совхоз чорвадорлари улкан марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг фикри-ёди йил охиригача 258 тонна арзон чўчқа гўшти етиштириб, давлатга 200 тонна гўшт сотиш, 200 тоннадан кўпроқ сут топширишга қаратилган.

Мана, йилнинг ярми ўтди. Хўжаликда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш планларининг бажарилиши чакки эмас. Ҳозиргача 145 тонна сут соғиб олиниб, шундан 105 тоннаси давлатга сотилди. Соғин сигирларнинг ҳар бошидан олти ойда 1050 ўрнига 1450 килограммдан сут соғиб олинди. Бошқача қилиб айтганда, совхозда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ҳар бир сигирдан 630 килограмм кўп сут олинди. Чеварлар йил охиригача ҳар бош сигирдан 3 минг килограммдан сут соғиб олиш, давлатга сут топшириш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятни 7 ноябргача бажариш учун қизғин курашмоқдалар.

Чўчқабоқарларнинг ҳам ютуғи катта. Азаматлар чўчқалардан бола олиш планини ярим йилда бажариб қўйишди. Ҳозир 4 минг бош ўрнига 4.7 минг бош чўчқа боқилмоқда. Чўчқабоқарлар йил охиригача 10 минг бош чўчқа бўлиши учун ҳаракат қилишаётир. Шуни алоҳида айтиш керакки, совхозда ярим йиллик гўшт топшириш плани ортиғи билан адо этилди. Бўрдоқига эса яна минг бошдан зиёд чўчқа боқилаётир.

Чорвачиликни ривожлантиришда эришилаётган муваффақиятларнинг боиси нимада? Икки йилдирки, совхозда ем-хашак жамғариш тўғри изга тушди. Чорва моллар учун бир ярим-икки йилга етадиган озуқа жамғарилмоқда. Совхоз ҳар йили юзлаб тонна ошиқча озуқани бошқа хўжаликларга сотмоқда.

Яқинда совхоз ишчилари ва чорвадорлари янги ташаббус билан майдонга чиқишди. Бир йилда уч йилга етадиган, яъни 1659 тонна ўрнига 4977 тонна ем-хашак тайёрлаш юзасидан қизғин кураш бошлашди. Район партия комитети совхоз коллективи бошлаган ташаббусни маъқуллаб, тажрибасини бошқа хўжаликларга ёйишни тавсия этди.

Айни шу кунларда ташаббускорлар даласида иш қизғин. Машҳур механизатор Ҳайдар Соатов бошлиқ ем-хашак жамғариш бригадаси ишчилари мавжуд 5 та пресловчи машинани унумли ишлатиб, ҳар куни 500 тоннадан зиёд сомонни пресламоқда. Ламмикор ва сувли ерлардаги беда ҳам икки ўримдан чиқарилиб, ҳар гектардан 60 центнердан ошириб ҳосил олинди. Беда ҳам сомон сингари пресланиб, молхона ва чўчқахоналар яқинига ғарамлаб қўйилди.

— Галламиз мўл бўлди! — дейди совхоз директори Туроб Сулаймонов биз билан суҳбатда — 3140 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 13.5 центнердан дон олмоқдамиз. Бу, 2124 тонна ошиқча донни ем учун ажратиш имконини беряпти. Бундан ташқари 1800 тонна силос бостирамиз, 600 тонна лавлаги, 80 тонна ошковоқ тайёрлаймиз.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида 15 сентябргача 10 минг тонна ем-хашак тайёрланади. Бу совхоз чорваси учун бемалол уч йилга етади.

Э. УЗОҚОВ.

ЯНГИАРИҚЛИК ВА ПАХТАКОРЛИКЛАРНИНГ ТАШАББУСИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

ИЗДОШМИЗ

КПСС XXIV съезди чақирилиши ҳақидаги хабарни ва мусобақадош Хоразм область Янгиариқ райони пахтакорларининг ғўзани ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш юзасидан республика пахтакорларига қарата қабул қилган мурожаатини районимиз меҳнаткашлари мамнуният билан кутиб олдилар.

Районимиз пахтакорлари йил бошида она-Ватанга 23100 тонна пахта етказиб беришни планлаштирган эди. КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари ташарафига ва янгиарикликлар ташаббусига қўшилиб пландан ташқари яна 10 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга, она-Ватанга жами 33100 тонна «оқ олтин» сотишга қарор қилдик. Бунга Куйбишев номли совхознинг ишчилари 10 минг тонна, Халқобод совхози ишчилари 9500 тонналик хирмони билан ҳисса қўшадилар.

Энгельс номли, «Правда», Максим Горький номли, Куйбишев номли совхозлар, Каримбердиев номли, «Комсомол», Киров номли бўлимлар, Халқобод совхозининг СССР Олий Совети депутати У. Пўлатназаров, «Кегайли» совхозининг С. Файзуллаев, Б. Маткаримов, М. Жуманазаров номли совхознинг Ж. Жумабоев бошлиқ бригада далаларида мўл ҳосил тўпланмоқда. Район партия комитети ва ижроия комитети мўл ҳосил тўплаш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. 300 дан ортиқ чопиқ тракторлари ғўзаларни культивация қилмоқда. Сувчилар сони 3200 кишига етказилди. Кунига ўртача 1300 гектар майдондаги ғўзаларга сув тараб турилипти.

Районимиз меҳнаткашлари юбилей йили социалистик мажбуриятини муваффақиятли бажариб, партиямиз Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб берадилар.

П. ҲОЛМУРОДОВ,
Кегайли район партия комитетининг биринчи секретари.

ДЕҲҚОНЛАР АҲДИ

Хива районидаги Крупская номли колхоз пахтакорлари юбилей йилида гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳд қилганлар. Хўжаликда иккинчи комплекс ғўза парвариши тугалланди. 595 гектар майдондаги ғўза кийгос шоналаб гуллаяпти. Маҳмуд Машарипов бошлиқ бригаданинг 98 гектар майдондаги ғўзаси эса учинчи парваришдан чиқарилди.

Колхоз комсомол-ёшлари зарбдор бригада тузиб, бегона ўтга қарши кураш ташаббусини бошладилар. К. Полвонова, М. Маҳмудова, С. Қурёзова каби меҳнатсевар ёшлар кунлик топшириқни икки ҳиссага етказиб бажармоқдалар. Районнинг бошқа колхозларида ҳам шундай бригадалар ташкил қилинди.

О. РАҲИМОВ.



ХИВА районидаги Фрунзе номли колхознинг Абдушариф Одамов бошлиқ бригадаси аъзолари КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари билан муфассал танишиб чиқиб, ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга қарор қилдилар. Ҳозир далада шу юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўпланмоқда. Суратда: мазкур бригаданинг энгилларига ишлов бериш пайти акс эттирилган.

Қ. Қадамов фотоси. (ЎзТАГ).

МАШИНАЛАР МАВСУМГА ШАЙ

Жарқўрғон районидаги «Москва» колхози ҳар йили ҳосилнинг анча қисмини машиналарда йиғиб-териб олмоқда. Техника дехконнинг дўсти эканлигини яхши тушунган хўжалик механизаторлари мавжуд 22 пахта териш машинасини сифатли ремонтдан чиқариб қўйишди. Ремонтда 15 киши иштирок этди. Пахта териш машиналарининг муддатидан илгари мавсумга тахт қилинишида механизаторлардан Ҳамро Ҳайитов, ремонтчилардан Худойберди Холмирзаев, Менгнор Абдурахмонов ва Ҳасан Худойбердиев сингари шижоаткорлар юксак унум билан ишлашди.

Колхоз деҳқонлари бу йил ҳосилнинг 50 процентини машиналар ёрдами билан териб олиш учун ғўзаларни машинабоп қилиб ўстиришмоқда.

ҲУНАР-ТЕХНИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА МАРҲАМАТ

ҲАМ ЎҚИШ, ҲАМ ИШ

Ҳадемай республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ёшларга ўз бағрини очади. Айни пайтда ҳунар техника мактаблари ҳам минг-минглаб ўғил-қизларни қабул қилади. Мухбиримиз яқинда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети профессионал техника таълими Давлат комитетининг шаҳар билим юртлари бошқармаси бошлиғи М. Ҳусанов билан учрашиб, ҳунар-техника мактабларига бу йилги қабул ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ҳунар-техника таълимини ривожлантиришга катта эътибор бериб келмоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ўтган йил апрель ойида «Ҳунар-техника таълими системасидаги ўқув юртларида малакали ишчилар тайёрлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида» қабул қилган қарори бунинг яққол далилидир.

Ҳозир Ўзбекистонда 113 ҳунар-техника билим юртлари мавжуд бўлиб, уларда саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари учун 140 дан зиёд ҳунар ва касблар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрланмоқда. Республикамиздаги 18 та ҳунар-техника билим юртида эса ҳунар ўргатиш билан биргаликда ўрта умумий таълим ҳам берилмоқда.

Таълимнинг биринчи йилида ўқувчиларга ҳунар ўргатиш билим юртларининг ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида олиб борилади. Ўқувчилар юқори малакали усталар раҳбарлигида турли хил монтаж асбоблари, станок, мебель ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган бошқа мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқарадилар. Тошкентдаги 2-техника ва 14-ҳунар-техника билим юртларида тик пармалаш станоклари, 31-ҳунар-техника билим юртида чархлов станоклари, 63 ва 40-ҳунар-техника билим юртларида эса мебель ва дурадгорлик дастгоҳлари ишлаб чиқарилади. Чирчиқдаги 13-ҳунар-техника билим юртида мебель ва чархлов станоклари тайёрланади. Шунингдек, Фарғона, Андижон, Самарқанддаги мактаблар ҳам кўплаб ўқувчиларни қабул қилади.

Ўқувчилар билим юртида олган дастлабки ҳунар ва қўниқмаларини мустаҳкамлаш учун ўқишнинг иккинчи йилида корхона ва ишлаб чиқариш объектларида амалий машғулотлар олиб борадилар, ўқув программасига мувофиқ мустақил иш жойларида ёки илғор бригадаларда меҳнат қиладилар.

Ҳунар-техника билим юртларидаги назарий машғулотларни юқори малакали, тажрибали педагоглар олиб борадилар. Хуллас, ўғил ва қизларнинг бу мактабларга кириб, шарафли ва фахрли касб — ишчи касбини эгаллашларига ҳамма шароитлар яратиб берилган.

Шаҳар ҳунар-техника билим юртларига 13 ешдан кам бўлмаган 8-синфни битирган, техника билим юртларига эса 10-синфни битирган ўғил ва қизлар қабул қилинадилар. Ўрта мактабни тамом қилган ёшлар ҳам юқори маълумот талаб қилувчи баъзи ихтисослар бўйича алоҳида группаларга олинадилар. Болалар уйида тарбияланганлар, 1 ва 2-группа ногиронлари, мактаб-интернатларнинг 8-синфини тугатган ёки Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флоти хизматидан бўшаб келган ёшлар ҳунар-техника билим юртларининг кундузги бўлимларига биринчи навбатда қабул қилинадилар. Техника ва ҳунар-техника билим юртларига кириш ҳақидаги ариза билим юрти директори номига ёзилиб, унда ўрганмоқчи бўлган ихтисос кўрсатилади. Аризага 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги шаҳодатнома ёки 9—10-синфга кўчганлик ҳақидаги справка ёхуд ўрта маълумот ҳақидаги аттестат ҳамда туғилиш гувоҳномаси, соғлиғи ҳақида ва турар жойидан справка, 3х4 сантиметр ҳажмдаги 3 та фотосурат қўшиб топширилади.

Ҳунар-техника билим юртларида ўқиш бепул. Билим юртига қабул қилинган ўқувчилар овқат, кийим-кечак ва махсус уст-бош билан таъминланадилар. Техника билим юртларининг ўқувчилари, агар улар барча фанлардан аъло баҳолар билан ўқисалар, оширилган стипендия оладилар.

Кундузги ҳунар-техника ва техника билим юртларида ўқиш вақти узлуксиз равишда меҳнат стажига қўшилади. Малакали ишчилар тайёрловчи ҳамда умумий ўрта маълумот берувчи ҳунар-техника билим юртларини битириб чиққан ўқувчилар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети профессионал техника таълими Давлат комитетининг йўлланмасига мувофиқ турли корхоналарга юборилади ва иш билан таъминланадилар.

СУВ—МАЛҲАМ

Июль ойининг катта ярми ўтди. Миришкор деҳқонлар ўз сув билан катта майдонлардаги ғўзаларини ўртача икки марта суғориб олди, экинини уч марта чилла сувига қондирган пахтакорлар ҳам йўқ эмас. Лекин энди биринчи суғоришни тугаллаб, ғўза парваришида оркада қолаётган айрим бўлимлар, бригадалар, колхоз, совхозлар борлигидан кўз юма олмаймиз. Шуни айтиш керакки чигит экиш даврида сув камчил бўлгани рост. Аммо ҳаво исиғач сув кўпайди. шу кунларда ҳамма иншоотларда сув тўлиб-тошиб оқяпти. Шундай кезда ғўзаларни сувга қондириб олмаслик ҳосилнинг бир қисмини қўлдан бой бериш деган сўздир.

Янгиариқлик пахтакорларнинг мурожаатида июль ойида ғўзаларни бир меъёрда қондириб суғориш масаласига жуда катта аҳамият берилган. Бу бежиз эмас, албатта. Ғўзалар шу дамларда ёппасига шона тўплаяпти, гуллаяпти, кўсак ояпти. Бундай кезда ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжи ҳар қачонгидан ортади. Бунинг устига ҳарорат кўтарилиб ғўзаларни ҳоритиб қўяпти. Экин чанкаган вактда сув берилмаса, тўпланган ҳосил нишоналарини тўкиб юбориши ҳеч гап эмас.

Кўп йиллик деҳқончилик тажрибасида суғориш билан агротехниканинг бошқа тадбирларини яъни культивация, чопиқ, ҳашаротга қарши курашни бир-бирига боғлаб олиб бориш яхши самара беришини кўрдик. Пайкал сувга тўйдирилса-ю ер етилиши билан культивация ўтказилмаса, нам кўтарилиб кетади, эгат ораси чанқаб ғўзаларнинг илдизи шамоллайди. Бунда ҳам ҳосил нишоналарига путур етади. Шунинг учун ҳам янгиарикликлар ер оби-тобига келиши билан чуқур культивация ўтказиш, намни тўла сақлаб қолиш керак, деб жуда тўғри маслаҳат берганлар.

Мен совхозимизнинг бир бўлимида узоқ йиллардан буён сувчилик қиламан. Шу даврда анчамунча тажриба орттирдим. Шулар ҳақида гапириб ўтмоқчиман.

Сув — ҳосилнинг мезони. Ғўзалар энг яхши агротехника муддатида суғорилса, ёрда етарли нам бўлса, пушталар ҳам сувга қонса пайкалда бегона ўт бўлмаса ғўзалар тез ва соғлом ўсади, кўп ҳосил тугади, ўни тўкилишдан сақлаб колади. Сувга қонган ғўзаларнинг кўсаги оғир — салмоқдор бўлади, пахтаси тарози босади. Уруғлик чигит ҳам сувга қонган ғўза тупларидаги пахтадан олинади.

Бир мисол келтираман. Мен ҳар йили олтита картадаги ғўзаларни суғораман. Бултур беш пайкалдаги ғўзалар сувга роса қондирилди. Бир пайкалга сувнинг бориши кийин бўлди.. Сабаби, ер вактида яхши текисланиб, кафтдек қилиб келтирилмаган экан. Натижа шу бўлдики, сувга қонган карталардан сувга қонмаган карталардагига нисбатан 7-8 центнер кўп пахта олинди. Яқинда сувчиларнинг йиғилиши ўтказилган эди, шу воқеани сўзлаб бердим Ҳозир ҳамма ғўзаларни бир меъёрда қондириб суғорямиз бир паоча ернинг ола колишига бир тўп ғўзанинг чанқашига йўл қўймаяпмиз.

Бучдан ўн беш-йигирма кун олдинги ғўза суғориш билан шу кунлардаги ғўза суғориш орасида катта тафовут бор. Илгари сувчи сувни эгатга тараб қўйиб, унинг равон оқишини кузатиб турарди. Ҳозир эгат оралаб юриши керак. Сабаби, ғўзаларнинг ҳосил шохлари бир-бирига киришиб кетди. Эгатнинг бошида равон оқаётган сув ўртасига борганда кўлоб бўлиб коляпти, оқавадаги ғўзалар сувга қонмаяпти. Бу ёмон оқибатга олиб келиши мумкин. Эртамас индин гарози қурилганда эгат бошидаги ғўзалар яхши ҳосил беради. Аммо ўртада сув эзиб окпалак қилиб қўйган, охирида сувга қонмаган ғўзалар кам ҳосил бериб, ер чиздириб қўйиши мумкин. Шунинг учун сувчиларга айтаман: қамкасблар, ғўзаларни суғориш вактида кечакундуз эгат оралаб юринг, сувнинг кўлоб бўлиб ғўзани эзиб қўйишига, пайкал охиридаги ғўзаларнинг сувга қонмай қолишига йўл қўйманг.

Сув икки хил ҳислатга эга. Чанқаган ғўзага берилса ҳосил ёнига ҳосил қўшади, чанқамаган ғўзага берилса, ғовлатиб юбориб камҳосилли қилиб қўяди. Шу важдан қайси пайкалга қачон, қандай норма билан сув тарашини мутахассислар билан тажрибали дехқонлар, қамкорликда ҳал қилишлари лозим. Бизнинг пахта ерларимиз захкаш, сизот сув юза жойлашган. Тупроқ унча унумдор эмас. Буни ҳисобга олиб пахтазорларга оз норма билан тез-тез сув тараймиз. Қатор ораси оби-тобига келиши билан культивация ўтказиб, тупроқни майин ҳолга келтириб қўямиз.

Совхозимизнинг пахта майдони 3.490 гектар. Давлатга 7.000 тонна пахта сотади. Шу кунларда ана шу ҳосилнинг тақдири ҳал қилиняпти. Сувчилар, механизаторлар, чопиқчилар, кимизаторлар. қўйингчи, қалбида виждони, билагида кучи бор ҳар бир киши шу мақсад билан яшаб, меҳнат қиляпти. Янгиариқ райони пахтакорларининг чақириғи халқимизни янги меҳнат зафарларига чорламоқда. Ҳар ким ўз участкасида туриб манглай тери тўкиб меҳнат қиляпти. Олдин 261 киши сувчилик қилар эди. Вазиятни ҳисобга олиб, сувчилар сонини 540 кишига етказдик. Ҳаммага норма белгиланган, ишнинг сифати, айниқса тунги суғориш устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Ҳар куни 350-400 гектар майдондаги ғўза сувга қондириляпти.

Сувчиларга ҳак тўлаш яхши ташкил қилинган. Бир норма бажарган сувчига 3 сўм 9 тийин ҳақ берилади. Икки норма бажарса, икки юз процент ҳақ тўланади. Ундан ташқари ишни сифатли адо этгани учун сувчи рағбатлантирилади. Совхозимизда пахтачилик ветеранлари кўп. Улар пенсияга чиққан. Лекин шароитни ҳисобга олиб пахтакорларга ёрдамга келишди. Қариялардан 80 киши сувчилик қиляпти. С. Давлатмуродов, Г. Самбетов, С. Низомиддинов каби кекса сувчилар ҳар куни бир гектар ердаги ғўзаларни оби-ҳаётга қондиряптилар.

Яқинда бригадамиз дала шийпонида йиғилиш бўлди. Янгиарикликларнинг ватанпарварлик ташаббуси ҳақида гап борди. Ҳамма уларнинг мурожаатини маъқуллаб гапирди. Хулоса шу бўлдики, янгиарикликларнинг мурожаатига жавобан ҳар гектар ердан аввалги 40 центнер ўрнига 45 центнерден пахта етиштиришга қарор қилдик. Бизнинг бу фикримизни ҳамма бригадалар, бўлимлар маъқуллади. Совхозимиз бўйича ҳам ялпи пахта тонносини кўпайтириш чоралари белгиланди.

Шомурод МУСАЕВ,
Чимбой районидаги «Кенес» совхозининг сувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

СИЛОС МЎЛ

Норали Боймуродов номли колхознинг Норбой Арабов етакчилик қилаётган маккажўхорикорлар бригадасида силос бостириш ишлари жадаллик билан олиб борилаётир. Бригада аъзолари бу йил 220 гектар ерга маккажўхори экиб, уни юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилдилар. Уларнинг мақсади — ҳар гектар ердан 480 центнердан кўпроқ етиштиришдир.

Маккажўхорикорлар силос бостиришда техникадан кенг фойдаланишмоқда. Ҳозиргача 300 тонна силос бостирилди. Комбайнчи Аҳан Шоймуродов ўз ишини пухта бажаряпти. Майдаланган маккажўхори поясини ташишда Тожи Бердиев, Эрназар Бердиқулов, Шерқул Дўстмуродов сингари шоферлар кунлик нормаларни ортиғи билан адо этишмоқда.

Бригада аъзолари маккажўхори йиғиштириб олинган майдонларнинг 100 гектарига такрорий маккажўхори экишди.

Н. ОДИЛОВ.
Жарқўрғон райони.

„Политотдел“га марҳамат

«А» класс командалари даврасида Тошкент областидаги «Политотдел» ўйинчилари илгари кучли ғалабага эришаётган бўлсалар, кейинги вактларда бироз сусткашлик кўрсатмоқдалар. Олдинги ўйинларига кўра, пешқадамликни эгаллаш арафасида турган бу команда ҳозир жадвалда пастроқ ўринларга тушиб колди. Балки навбатдаги ўйинларда «Политотдел» колхози командаси ўзини ўнглаб олар. Буни «Политотдел» колхози стадионида 22 июлда Кемеровонинг «Кузбас» ва 30 июлда Усть - Каменогорскнинг «Восток» командалари билан учрашув натижалари кўрсатар. Ўйинлар кечкуруун соат маҳаллий вақт билан 7 да бошланади.

АХБОРОТ

КЕЧАГИ ПОЧТАДАН

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

НУКУС. Шу кунларда Қорақалпоғистон колхоз ва совхоз далаларида иш қизғин. Тушликдан сўнг кўпгина шийпонларда оммавий-сиёсий тадбирлар устидан чиқасиз. Медицина мавзуидаги суҳбат-лекцияларни автоном республика санитария маорифи уйи ходимларидан ташкил этилган агитбригадалар ўтказишмоқда. Ташвиқотчи бригадаларга терапевт врач медицина фанлари кандидати Т. Бойжонов, тажрибали врач ва мутахассислардан О. Отаниёзова, В. Гарбузова, Е. Танташева, С. Ешпанов кабилар бириктирилган. Улар уюштираётган саволжавоб кечалари, намойиш этилаётган илмий-оммабоп фильмлар «оқ олтин» ижодкорларида катта таассурот қолдиряпти.

Р. ЕШИМБЕТОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЕДИКЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ТОШКЕНТ. Медицина институтида «Онкология ва стоматология масалалари» бўйича медиклар йиғини бўлди. Москвадаги Ленин орденли Марказий врачлар малакасини ошириш институти жаррохлари иштирокида ўтган йиғинга профессор В. Дмитриева раҳбарлик қилди. Бу тадбир Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлиги, Тошкент врачлар малакасини ошириш ҳамда медицина институти ташаббуси билан уюштирилди. Республиканинг турли областларидан келган 50 га яқин врач москвалик профессор ва жаррохларнинг юз-жаррга қилинадиган 30 дан зиёд қийин операциялари билан амалда танишди. Шунингдек, медиклар онкология ва стоматологияга бўлган ҳозирги замон талаби ҳақида ўзаро фикрлашишди.

К. МАЛИКОВ.

БУЮМЛАР КЎРГАЗМАСИ

АНДИЖОН. Шаҳарнинг Навоий номли маданият ва истироҳат боғида маҳаллий саноат моллари кўргазмаси очилди. Унда областнинг 7 райони ва 2 шаҳарнинг маҳаллий саноат корхоналари ҳамда Андижон бадиий буюмлар фабрикасида ишлаб чиқарилган 150 хилдан кўпроқ маҳсулот намойиш этилмоқда. Кўргазмага қўйилган уй-рўзғор буюмлари, тайёр кийим-кечаклар, мебеллар кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Бундай кўргазманинг ташкил этилиши аҳолининг маҳаллий саноат молларига бўлган талабини ўрганишда яхши натижалар бераяпти.

Ў. ХОЛИҚОВ.

ЕШ ПАЗАНДАЛАР КОНКУРСИ

МОСКВА. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги «Олтин бошоқ» ресторанида ёш пазандаларнинг анъанавий Бутуниттифоқ конкурси бўлди. «Кимнинг таоми мазали?» шиори остида икки ҳафта давом этган мусобакада республикамиз вакилларидан 19 киши — саккиз пазанда, саккиз официант ва уч қандолатчи ўз маҳоратларини синаб кўришди. Уларни республика конкурси совриндорлари, Тошкентнинг «Гулистон» ресторани ҳамда «Дўстлик» кафеси пазандаси Аброр Усмонов ва Козим Тўланбоевларнинг меҳнатлари юқори баҳоланди.

— Ўзбекистонлик ёш пазандаларнинг конкурсда тайёрлаган янгича «Қайнатма шўрва», «Балиқ котлети», «Киймали олма» каби мазали таомлари москвалик ҳўрандаларга жуда ёқиб тушди, — деб ҳикоя қилади республикамиз вакиллари раҳбари ўрток В. Никитина. — Умумкоманда ҳисобида олтинчи ўринни эгаллашга муваффак бўлдик. Пазандаларимиз Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, СССР савдо министрлиги ҳамда Бутуниттифоқ касаба союзлари Советининг «Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

М. МИРАБЗАЛОВ.

* * *

Редакциямизга андижонлик Т. ХОЛМИРЗАЕВ, М. ЎТАНОВ, фарғоналик Ҳ. СОДИҚОВ, Т. ТУҲЛИЕВ, А. АБДУХОЗИРОВ, сурхондарёлик М. ТОҒАЕВ, сирдарёлик А. МУМИНОВ, Қорақалпоғистон АССРнинг Беруний районидан Ю. БЕКМУРОДОВ, гулистонлик Э. РУЗИБОЕВ, Ленинград районидан М. ЗИЯЕВ, москвалик С. КОСТИРКО, тошкентликлар В. СЛЕНТЕРОВ, А. ПУЛАТОВ ва самарқандлик А. РУЗИЕВ ҳам қизикарли хабарлар ёзишган.



ЧССР, Брно шаҳридаги машинасозлик заводи Совет Иттифоқининг буюртмаси билан 90 та газ турбинаси тайёрлашга киришди. 6 мегаватт қувватга эга бўлган биринчи турбина тайёрланиб, буюртмачига юборилди. Ҳозир шунга ўхшаш иккинчи турбинанинг қисмов ва учинчисининг монтаж ишлари бажарилмоқда. Завод шу йилнинг ўзида СССР га 15 турбина, 1971—73 йилларда эса йилига 25 тадан турбина етказиб беради. Суратда: заводнинг йиғув цехида.

ЧТК—АПН фотоси.

Тўртинчи мамлакатларда

МОСКВА—ЛИМА «ҲАВО КЎПРИГИ»

ЛИМА. (ТАСС). Москва—Работ—Гавана—Лима маршрути бўйлаб 20 соат учгандан сўнг «ИЛ-62» ҳаво лайнери Перу пойтахтининг халқаро аэропортига 17 июль кечқурун муваффақиятли қўнди. Пўлат қуш бу ерга совет мутахассисларининг катта группасини, шу жумладан зилзиладан зарар кўрган Перу аҳолисига медицина хизмати кўрсатишга отланган кўнгилли ёшлар отрядини олиб келди.

Совет вакилларини Лимада ҳукумат, Қизил Крест ва Перу жамоатчилигининг вакиллари кутиб олишди. Орзиқиб кутилган меҳмонлар аэропорт биносига киришганида перуликлар уларни «Яшасин Совет Иттифоқи!» дея зўр шодиёналик билан кутиб олдилар.

Отряд составида тажрибали врачлар: хирурглар, травматологлар эпидемиологлар, фельдшерлар, тез ёрдам ходимлари ва бошқа мутахассислардан иборат Москва ва Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларидан келган 55 киши бор. Враҳ — альпинистлар Владимир Кавуненко, Вячеслав Романов ва Виктор Гуменюклар тоғ-қутқарув тажрибасига эгадирлар. Шу самолётда келган 70 кишидан иборат иккинчи группа совет дала госпиталида хизмат қиладилар.

АҲВОЛ КЕСКИНЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

ЛОНДОН. (ТАСС). Шимолий Ирландиянинг бош министри Чичестер-Кларк Англия бош министри Хит ва ички ишлар министри Модлинг билан музокаралар олиб бормоқ учун Лондонга келди.

Гражданлик ҳуқуқи учун кураш раҳбарларининг кейинги ҳафта ичида оммавий тўқнашувларнинг олдини олишга муваффақ бўлишларига қарамай, Шимолий Ирландиядаги аҳвол ҳамон кескинлигича қолиб келмоқда.

Шимолий Ирландиянинг раҳбар доиралари протестант «культраҳ»ларга ён босиш сиёсатини тутмоқда. Шароитнинг ниҳоятда оғир бўлишига қарамай, ҳукумат 12 август куни протестантларнинг Лондондеррига юриш қилишларига ижозат берди. Маълумки, Лондондеррида ўтган йили бўлиб ўтган тўқнашувлар худди ана шундай юришдан бошланиб, бутун Ольстерни қамраб олганди.

МИСТЕР ГОЛСТЕР ОПЕРАЦИЯСИ

Халқаро мавзуда

Бундан бир неча кун илгари Аргентина давлат нефть компанияси правленисининг биносида бир кишини кўриш мумкин эди. Ўрта бўйли, тўладан келган бу жаноб жуда ишбилармон кишилардай у қаватдан бу қаватга, у ҳонадан бу ҳонага изғиб юрарди. Унинг ташқи кўринниши ва хатти-ҳаракатлари бу бинода ўз иши билан банд бўлган юзлаб хизматчилардан фарқ қиларди.

Дарҳақиқат, бу одамнинг Аргентина нефти проблемаларига ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Мистер Голстер — бу жаноби шундай аташари — бу ерга Қўшма Штатлардан бутунлай бошқа мақсадда келганди. У кечаларини Аргентина пойтахтининг энг қиммат ресторанларида ёш йигитлар қуршовида ўтказарди.

Мистер Голстер ким ўзи? Бу — орадан бир неча кун ўтгач, Буэнос-Айрес аэродромидан кўтарилган пўлат қуш Майамига қараб йўл олганида маълум бўлди. Унинг бортида Мистер Голстер билан бирга олтита аргентиналик инженер-нефтчи ҳам бор эди. Американинг жаноб уларни Шимолий Америка компанияларида хизмат қилишга қўндириш учун бу ерга келганди.

Латин Америкасидан Қўшма Штатларга «бошини айлантириб олиш»нинг оддий механизми ана шундай ишлайди. Ҳаммага маълумки, Америка Қўшма Штатлари Жанубий Америкадан асосан ҳом ашё олади. Лекин «яшил қитъа»дан одамларнинг «бошини айлантириб олиш» тўғрисида, унинг Америка монополияларига каттагина фойда келтираётганлиги тўғрисида кўпчиликнинг хабари йўқ. Латин Америкаси мамлакатларида техник кадрлар етишмаслигининг ўзиёқ бу ерда миллий экономика тараққиётида катта қийинчиликлар туғдиради. Сўнгги йилларда авжига чиққан «бошини айлантириб олиш» эса бу проблемани баттар кескинлаштирмоқда. Фақат сўнгги беш йил ичидагина дипломли эмигрантларнинг сони 20 мингдан ошиб кетди.

Шимолий Америка монополияларининг Аргентина, Бразилия, Чили, Уругвай ва Марказий Америка мамлакатларидан жуда кўплаб юқори малакали мутахассисларни ўзига оғдириб олмоқда. Масалан 1950 йилдан 1966 йилгача Аргентинадан 11.320 мутахассис, шу жумладан 1000 дан зиёд инженер, 925 врач, 228 химик АҚШга кўчиб ўтди. Йилига ўртача мингта олий маълумотли аргентиналик ўз мамлакатини ташлаб кетмоқда. Агар ҳар бир мутахассисни тайёрлаш учун мамлакат 20-50 минг доллар сарфлаётганини ҳисобга олсак, Қўшма Штатлар компаниялари учун кадрлар тайёрлашга Аргентина ҳар йили 10 миллионлаб доллар сарфлаётганини билиш қийин эмас. Холбуки, бу кадрлар Аргентинанинг ўзига ҳаводай зарур.

Сўнгги 15 йил ичида Чилидан деярли 10 минг юқори малакали мутахассислар чиқиб кетди. Булар инженерлар, экономистлар, врачлар ва архитекторлардир. Ҳолбуки, мамлакатда 3 минг врач, бир неча минг архитектор етишмайди. Маҳаллий матбуотнинг хабаригa кўра, ҳар 36 соатда бир мутахассис АҚШга кетиб қолмоқда.

Америкааро иқтисодий ва социал кенгашнинг докладида таъкидланишича, беш гватемалликдан бири, тўрт никарагуалликдан бири, уч сальвадорликдан бири ўз ватанида диплом олиб, америкалик ҳамёни катталарга хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, ҳар йили Латин Америкасидан деярли тўрт минг мутахассис Қўшма Штатларга ўтмоқда. Уларни тайёрлаш эса тахминан 100 миллион долларга тўғри келади.

Чилида чиқадиган консерватив йўналишдаги «Меркурио» газетасининг ёзишича, «Жаҳоннинг бошқа районларига нисбатан Латин Америкасида мутахассислар етишмаслиги кескин сезиляпти. Бу ердаги мамлакатлар «одам капитали»дан катта зарар кўрмоқда, бу эса унинг тараққиётида туғунлик туғдирмоқда». Айни пайтда Америкада чиқадиган «Юнайтед Стейтс ньюс энд Уорлд рипорт» журналининг тан олишича, талантли мутахассисларнинг оғдириш натижасида Қўшма Штатлар четдан кўп миллиардлаб ёрдам олишга муваффақ бўлмоқда.

П. ГОНЧАРОВ. (АПН).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИнинг Росток шаҳрида ҳуқуқшуносларнинг халқаро семинари бўлиб ўтди. Болтиқ денгизи ҳафталиги доирасида ўтган бу кенгашда ГДР, Польша, СССР, Дания, Финляндия, Норвегия ва Исландия вакиллари қатнашдилар.

◆ ИТАЛИЯнинг шакар саноатида ишловчи меҳнаткашлар 24 соатлик ялпи иш ташладилар. Иш ташловчилар яғни умумиллий меҳнат битими тузилишини талаб қилмоқдалар.

◆ МОЗАМБИК ватанпарварлари Португалия жазо отрядининг 130 жангчисини қириб ташладилар, 17 ҳарбий автомашинасини ва битта ҳарбий самолётини ишдан чиқардилар.

◆ БОЛИВИЯ пойтахтининг матбуот ходимлари полициянинг «Хорнада» газетаси редакциясига бостириб кирганлигига қарши норозилик билдириб иш ташладилар.

◆ НЬЮ-ЙОРК метросининг Брюклин станциясида икки поезднинг тўқнашуви натижасида 35 киши яралар бўлди.

ТАСС — Рейтер.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

Лазер нури—таржимон

Янги совет лазер установкаси бир саҳифа япон тилидаги текстни ўқиб, рус тили ёки бошқа тилларга таржима қилиб чиқариши учун бир минут ҳам вақт кетмайди.

Москвадаги инженерлик физикаси институтида голография ҳодисасидан фойдаланган ҳолда япон адабиётини автомат тарзда таржима қилиш методи ишлаб чиқилди. Бир неча қатлам гоят сезгир эмульсия югуртирилган пластинкага газ лазери воситасида керакли миқдорда иероглифлар ёзиб қўйилади. Шундай пластинка ўзига хос голографик хотира блоки вазифасини адо этади.

Лазер нури текстни ёритаётганида таниш образ (иероглиф) учраб қолса, шунинг акс ёруғлиги пайдо бўлиб, у фотоприёмникдан ўтгач, электр сигналига айлантирилади. Шунга қараб иероглифнинг рус тилидаги тегишли маъноси танлаб олинади.

Установка ё экран билан (бунда рус тексти пайдо бўлади), ёки босувчи қурилма билан таъминланиши мумкин. Қилинган таржима мутахассиснинг техникавий текст билан анча муфассал танишиб чиқишига имкон беради.

Совет мутахассисларининг фикрига кўра, голография методлар, масалан, ҳисоб техникасида кенг қўламда қўлланила бошлаши мумкин. Лазер нур тарам бурчагини ўзгартириб битта пластинкага қўпдан-кўп голограммалар ёзса бўлади. Пластинкаларда сақланувчи информация миқдори электрон-ҳисоб машиналарининг хотирасидан бир неча баравар ошади.

Плазма ҳосил бўлиши каби тез ўтувчи процессларни тадқиқ этишда голографлар танҳо бир воситадир. Улар фазодаги зарра траекториясини, томчи ҳосил бўлишини қайд эта олади, мураккаб деталлар, жумладан, турбина парраклари сифатини гоятда аниқлик билан назорат қилиб тура олади.

В. РИБЧЕНОК, (ТАСС мухбири).
Москва.

Антарктиданинг муз балиқлари

Антарктида соҳиллари яқинида «Пеламида» тадқиқот кемасида сузиб қайтган узоқ шарқлик олимлар «айсберглар мамлакати»нинг совуқ сувларига мослашган турли балиқлардан 39 хилини тутиб келтирдилар. Улар орасида муз балиқлар жуда қизиқарлидир. Бу балиқлар оқ қонли чўртан балиқ деган ном билан ҳам аталади. Гап шундаки, бундай балиқнинг қонида гемоглобин йўқ, танаси — мутлақо шаффофдир. Сувнинг температураси минус 1 ёки 1,5 градус бўлган жойларда муз балиқлар маза қилиб юради.

Бу балиқ чўртан номини олганлиги бежиз эмас. Унинг тузилиши мўътадил иқлим кўли ва дарёларидаги йиртқич балиқникига ўхшаб кетади. Ҳатто унинг боши ҳам чўртанникига ўхшайди. Антарктида «шаффоф» чўртан балиқларининг узунлиги ўрта ҳисобда 36 сантиметрга боради.

Экспедиция аъзолари Тинч океан балиқ хўжалиги ва океанография илмий-тадқиқот институтининг илмий кенгашида ўша муз балиқ ва Антарктиданинг бошқа мавжудотлари ҳақида гапириб бердилар.

М. РИБАКОВ, (ТАСС мухбири).
Владивосток.

«Лайли ва Мажнун»— асрлар сир-асрори

Улуғ Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» деган машҳур достони каҳрамонларига кимлар прототип қилиб олинган, деган савол азалдан бери тадқиқотчиларнинг бошини қотириб келади.

Совет арабшунослари Мажнун, дарҳақиқат, VII асрнинг охирида яшаганлигини исбот қилишга муваффақ бўлдилар. Мажнунники деб ҳисобланувчи газаллар Эна Нажжада — Омир қабилалари кўчиб юрган географик муҳитда вужудга келган. Шундай бўлсада, Мажнун ва Лайлининг шахслари тўғрисидаги масала ҳамон жумбоқ бўлиб қолмоқда.

Эроншуносларнинг яқинда Тбилисида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ конференциясида Ленинграддан келган филология фанлари доктори А. Тоҳиржонов қизиқ бир гипотезани олга сурди. У 695- йилда вафот қилган таниқли шоира Лайли билан унинг ошиғи Тауба достон қаҳрамонларига прототип бўлган, деб ҳисоблайди. Уларнинг ҳар иккови Омир қабиласидан бўлганлар. Уларнинг таржимаи ҳолларидаги асосий пайтлар Лайли ва Мажнун ҳақидаги араб ривоятларига мос келади.

Ленинградлик олим Лайли ва Мажнун тўғрисидаги нақлларни синчиклаб ўрганиб чиққан Низомий шоира Лайлининг таржимаи ҳолини билган бўлиши эҳтимол, дейди. Низомий Лайлини моҳир шоира дегани ҳам буни тасдиқлайди.

Ю. ГОЛЬДМАН. (ТАСС мухбири).
Тбилиси.

Қутб бўриси— буғи душмани

Қутб бўриси буғи подаларида санитар ролини бажаради, деган фикр хато ва ҳатто зарарлидир. Мутахассислар Шимолдаги ёввойи бўрини сақлаш ва ундан рационал фойдаланишга бағишланган илмий ишлаб чиқариш кенгашида шундай хулосага келдилар. Дудинка шаҳрида бўлиб ўтган кенгашда РСФСР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳамда СССР Фанлар академияси билан В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлари академиясининг бир қанча илмий тадқиқот институтлари ходимлари қатнашдилар. Олимлар ва хўжалик ходимлари бошқа масалалар қаторида бугининг зўр қушандаси — бўрига ҳам эътиборни жалб қилдилар. Заифлашиб қолган ва касал бугиларга биринчи навбатда ҳужум қиладиган қутб бўриси ҳеч қандай «санитар» бўлмай, балки ҳайвонларга ҳам, шунингдек одамларга ҳам хавфли касалликлар тарқатувчи ҳайвон эканлиги эндиликда равшан аниқланди. Подалардаги касал чорвани бўриларсиз ветеринария врачлари ҳам яхши уддалайдилар. Ҳолбуки, битта бўри бир йилда 50 дан ошиқ ёввойи буғи ва уй бугисини қириб юборади.

Шундай қилиб, бўриларга раҳм-шафқат бўлмайди! Бу хавфли йиртқичлар бундан буён ҳам энг самарали восита — ҳаводан туриб қирила беради.

В. ШИНКАРЕНКО, (ТАСС мухбири).
Дудинка.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — **Москва.** 18.25 — **Тошкент.** 18.30 — Қувноқ пионер ёзи». **Рус тилида:** 19.00 — Янгиликлар, 19.15 — Техника тараққиёти учун. 19.40 — **«Ҳаётнинг бошланиши»** (бадиий фильм). **Ўзбек тилида:** 20.55 — Раққоса хиром этганда». **Галия ИЗМАЙЛОВА.** 21.35— Янгиликлар, 21.55 — Телеочерк. 22.05 **«БУСТОН».** 23.30 Москва. **«ВАҚТ»** программаси. 24.00 — **«Тунги қўнғироқ»** (телефильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — **Тошкент.** Ўқув кўрсатувлари. 20.00 — **Москва.** 20.05 — Янгиликлар. 20.15 — Июль Пленуми қарорлари — ҳаётга! 21.00 — Янгиликлар. 21.05 — Болтиқбўйи республикалари адабиёти. 21.50 — Рангли телевидение: **«Аргимчок»,** 22.30 — **«Гаровга тикилган хаёт»** (6-серия).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — **Тошкент.** 20.40 — Кинофильм. 21.10 — «Азимут» — турист ўлкашунослик клуби. 21.30 — Телефильм. 21.55 — **«Қоронғилашган дераза»** (бадиий фильмнинг 1—2-серияси).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Севги ёши — «ЧАЙКА», «МОСКВА», НАВОИЙ НОМЛИ, «ДРУЖБА», (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч соат 6, 8, 10 да).

Эртакларнинг эртаги — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 1, 3, 5 ва кеч соат 7 да).

Буваси тушмагурей! — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Тош ва гул — (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3 ва кеч соат 6, 8.45 минутда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: стоматология факультетининг ички касалликлар, пропедевтикаси, педиатрия факультетининг факультет терапияси, фармакология, санитария факультетининг хирургик касалликлари (профессорлар, докторлар);

кафедра профессорлари: фармакология, педиатрия факультетининг хирургик касалликлари (профессорлар, докторлар);

кафедра доцентлари: эпидемиология, фалсафа, коммуналь-гигиена, қулоқ, томоқ, бурун касалликлари, педиатрия факультетининг ички касалликлари, ноорганик химия, даволаш факультети ички касалликлар пропедевтикаси, даволаш факультетининг акушерлик гинекологияси, болиқни сақлашни ташкил қилиш ва социал гигиена (доцентлар, фан кандидатлари);

кафедра катта ўқитувчилари: фалсафа, сиёсий иқтисод.

Электрон микроскопия лабораторияси катта илмий ходимлари (медицина фанлари кандидати).

Конкурс муддати — 8 августгача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-33, К. Маркс кўчаси, 103-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАЙЁРЛАШ МИНИСТРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ
1970—1971 ўқув йилининг кундузги ва сиртқи бўлимларига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум: тегирмон-дон ишлаб чиқариши, донни сақлаш ва унинг маҳсулотларини қайта ишлаш, бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги бўйича техник-технологлар тайёрлайди.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати кундузги бўлимда 2 ярим йил сиртқи бўлимда 3 ярим йил: тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун — кундузги бўлимда 3 ярим йил, сиртқи бўлимда 4 ярим йил.

Бухгалтерия ҳисоби мутахассислигининг кундузги бўлимида ўрта маълумотлилар учун 1 йилу 10 ой, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун 2 йилу 10 ой, сиртқи бўлимда ўрта маълумотлилар учун 2 йил, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун 3 йилу 9 ой.

Кирувчилар: ўрта маълумотлилар — математика (ёзаки), она тили (иншо) дан; тўлиқсиз ўрта маълумотлилар — математика (ёзаки), она тили (диктант) дан имтиҳон топширадилар.

Аризалар 31 июлгача қабул қилинади.

Сиртқи бўлимга кирувчи ўрта маълумотлилардан 15 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим: ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки гувоҳнома, 286 формадаги медицина справкаси, 3 дона фотосурат (3 х 4), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (сиртқи бўлимга кирувчилар учун).

Бошқа жойдан келганлар ётоқхона ва стипендия билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент — 48, 2-Сельмаш проезди, 15 уй. Телефонлар: 66-19-01, 66-02-26, 66-02-16.

Узбекистон ССР Социал таъминоти министрлигининг
ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1970—1971 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига ВТЭКдан 2-3 группа инвалидлиги тўғрисида справка бўлган, 15 дан 25 ёшгача бўлган шахслар қабул қилинади.

Булардан ташқари Улуғ Ватан уруши инвалидларининг болалари, кўп болали ота-оналарнинг болалари, ёлғиз оналарнинг болалари, ота-онаси йўқ болалар қабул қилинади.

Мактабда ўқиш муддати 3 йил. Ўқишни битирганлар, аттестат ҳамда ҳунарга эга бўладилар.

Ўқиш давомида бир кун иш ва бир кун умумий ўқиш бўлади.

Билим юртида қуйидаги ихтисосликлар бор: тикувчилик ва пойафзал кийимлари тикиш, радио, телевизорларни ремонт қилиш.

Ўқувчилар ётоқхона, стипендия ва уч маҳал овқат билан таъминланади, ҳамда ишлаган ишларига ҳақ оладилар.

Билим юртига ўқувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, 8-10 йилликни битирганликлари ҳақида гувоҳнома, 2 фотосурат (3Х4), райсобеседан йўлланма, тугилганлиги ҳақида гувоҳноманинг нусхаси, турар жойидан справка, таржимаи ҳоли.

Ҳужжатлар — 20 августга қадар қабул қилинади.

Қабул комиссияси 22 августдан бўлади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ғ. Ғулом кўчаси, 47-уй (11-12 автобуслар, 9, 15, 19 трамвайларнинг «Волгоград» бекати).

ЖУРНАЛХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1970 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ ОЙИДАН БОШЛАБ АРАБ ТИЛИДА ОЙДА БИР ЧИҚАДИГАН

«СОВЕТСКОЕ ВОЕННОЕ ОБОЗРЕНИЕ»

ЯНГИ ЖУРНАЛ НАШР ҚИЛИНАДИ

Обуна баҳоси — бир йилга 3 сўм 60 тийин; бир сони 30 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ «СОЮЗПЕЧАТЬ» БОШҚАРМАСИ.

ТОШКЕНТ ЮРИДИК ТЕХНИКУМИ
1970—71 ўқув йилининг кундузги бўлимига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

10—11 синф ҳажмида маълумоти борлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 2 йил.

Техникум социал таъминоти органларига кадрлар: район социал таъминоти мудирлари, катта инспекторлар, юрисконсультантлар тайёрлайди.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона ва стипендия тўланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

Директор номига ариза, таржимаи ҳоли, медицина справкаси (286 форма), аттестат (асли), турар-жойидан справка, 4 дона фотосурат (3 х 4) паспорт ёки ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар — 20 августгача қабул қилинади.

Имтиҳонлар 21 августдан бошлаб математика (ёзма, оғзаки), **адабиёт** (ёзма)**дан ўтказилади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент-97, Ғ. Ғулом кўчаси, 47 уй (11, 12 автобуслар, 9, 15, 19 трамвайларнинг «Волгоградская» бекати).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика Олий Советининг депутати З. Р. Раҳимбобоевага онаси

Омила РАҲИМБОБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ЭЛЕКТРОН ТЕЛЕФОН

Канада электротехника фирмаларидан бири телефон конструкциясини такомиллаштириш мақсадида унинг электр схемасини электрон схема билан алмаштирди. Натижада телефоннинг оғирлиги ва ўлчамлари камайибгина қолмай, балки унинг эксплуатацион сифатлари ҳам яхшиланди.

МИТТИ ПАЙВАНДЛАШ АППАРАТИ

ГФРнинг «Ноймюллер» фирмаси радио ҳаваскорлари учун ажойиб асбоб — ҳаддан ташқари митти пайвандлаш аппаратини ишлаб чиқди. Унинг умумий оғирлиги 270 грамм бўлиб, учта кислород ва икки бутан тўлдирилган баллончалари бор. Бу аралашма ёнгач, 2800°С ҳарорат беради. Газ запаси икки соат ишлашга етади.

ЕНМАЙДИГАН ҚОҒОЗ

Кўринниши оддий бўлган қоғоз алангага ёки эриган металлга тегиб турганида 1250°С ҳароратга чидаш бера олади. Бу қоғозни бир инглиз фирмаси алюмосиликат толаларидан тайёрлади. Ўтга чидамлилиги билан бирга янги қоғоз агрессив ва кимёвий моддага нисбатан турғунлиққа ҳамда электр ва товуш ўтказмаслик каби хоссаларга ҳам эга.

ЙИЛИГА 70.000000 РАДИОПРИЕМНИК

«Джапан Электроник Индастри» журналининг берган маълумотига кўра бутун дунёда бир йилда 70 миллионга яқин радиоприёмник ишлаб чиқарилмоқда. Бу миқдорнинг учдан бири Японияга тўғри келади. Япон радиоприёмникларининг 80 проценти экспортга чиқарилади.

ПЛАСТМАССА ПРУЖИНАЛАР

Йирик ҳаво лайнери бетон йўлга қўнаётганида самолётнинг силкинганини ҳар биримиз сезганмиз, албатта. Бу самолёт шассисида пўлат пружиналар қўлланганлигидан. Англияда эса бу ўрнида пластмасса пружиналарни қўллаб кўриш устида тешириш ишлари олиб борилмоқда. Полимер пружиналар юкламани бир текис қабул қилиб олиб, қўнишда самолёт силкинишига барҳам беради.

ҲАВО ЎРНИДА... КЎПИК

Автомобиль шиналарини ҳаводан бошқа материаллар билан тўлдириш ва бунинг ҳисобига шинанинг хизмат вақтини орттириш ғояси янги эмас. Шунга қарамай АҚШда яна шу ғояга қайтдилар. Бу гал шиналарга полимер материалдан тайёрланган алоҳида кўпик тўлдирилди. Шиналарни тешилиш эҳтимоли энг кўп бўлган вездеход-автомобилларда бундай шиналар кенг қўлланиши мумкин. Янги шиналар тикон тешганида ҳам, тошлар ва шишаларнинг ўткир қирралари кесиб юборганда ҳам яхши ишлай беради.

ЭНГ КАТТА ЛИФТ

Икки қаватли лифтга 260 киши сиғади. Бу лифт Японияннинг «Хитачи» электротехника фирмаси томонидан ишлаб чиқарилди ва уни фирма Осакада очилган жаҳон кўргазмасида ўз павильонига ўрнатди... Бу лифтни дунёда энг катта лифт деб эътироф этмоқдалар.

«НАУКА И ТЕХНИКА» журналидан.

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 333793. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337163. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85, Бухоро 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Урганч 34—55, Гулистон — 22—09.

№ Г. — 169. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 04550.